

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING
СОЛИҚ СИЁСАТИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида солиқ юкини камайитириш ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишдаги номутаносибликларни қисқартириш бўйича чоралар амалга оширилди.

Истеъмол бозорининг барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, қўшилган қиймат солиғининг узлуксиз "занжири"ни шакллантириш мақсадида:

1. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солиғининг ставкаси **20 фоиздан 15 фоизгача** пасайтирилсин.

2. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришнинг амалдаги тартиби бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрири лойиҳасида давлат солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни "тахлика-тахлил" натижалари ва олдини олиш чораларини кўриш асосида 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тартиби белгиланишини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилги Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлашда:

давлат корхоналари, устав жамғармаси (устав капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав жамғармаси (устав капитали)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроқ қисми давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахсларга тегишли бўлган юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасининг **25 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилишини**; дивиденд шаклидаги тўланадиган даромадларга солиқ ставкасини сақлаб қолган ҳолда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкасининг **15 фоиз миқдоридида** белгиланишини;

қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби бекор қилинишини назарда тутсин.

4. Белгилансинки, илгари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобига тўланган ягона солиқ тўлови суммаси 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўтказилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг тушунтирилишини ташкил этсин.

6. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж. А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р. А. Фуломов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2019 йил 26 сентябрь

БЎКА ТУМАНИ: ҲАЁТБАХШ ТАШАББУСЛАР МАРКАЗИ



Ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, маънавий юсак ва интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялаш, аҳоли, хусусан, хотин-қизлар бандлигини ошириш бугун мамлакатимиз раҳбари олиб бораётган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сирасидандир.



айнан инсон учун, унинг ҳақ-хукуки ва эркинликлари ҳамда фаровон ҳаётини таъминлаш учун хизмат қилаётганлигини вилоятимизнинг кўҳна ва файзли манзилларидан бири – азамат деҳқонлар, уддубурон тадбиркорлар, мохир хунармандлар, бир сўзли, мард ва олижаноб инсонлар ошени бўлган Бўка тумани мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

4

Бошланган хайрли ташаббусларни ҳаётга тезкор ва изчил татбиқ этиш, яратилган дастурларнинг ҳаётини таъминлаш мақсадида аҳолининг тақлиф ва муаммоларини ўрганиш бўйича вилоятимизнинг Бўка туманида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, тумандаги умумтаълим мактабларида ҳам янги ўқув йилидан бошлаб инновацион технологияларни замонавий ўқитиш тизимига боғлаган ҳолда сезиларли ўзгаришлар қилинмоқда.

Жумладан, тумандаги 1-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Шахризода Абдуқошимова дарс жараёнида болаларни тилга қизиқтиришнинг янги услубларини қўлламоқда.

Айнан мактабдан бошланган ислохотлар кенг кўламли ҳаракатнинг асл муддаосини ташкил этади. Буни бўкаликларнинг турмуш тарзи, яшаш шароити ва кайфиятида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан ҳам сезиш мумкин. Зеро, туманда қисқа муддатларда мисли кўрилмаган, ўн

йилларга татигулик бунёдкорликлар амалга оширилмоқда.

Зотан, одамларга муносиб турмуш шароитини яратиш бугун тобора кенг кўлам касб

этиб бораётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асл моҳиятидир. Амалга оширилаётган ислохотлар шунчаки ислохот учун эмас,



ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

ХУДУДИ – 586,7 км²

АҲОЛИСИ – 123 минг 900 киши

- Туманда 40 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд.
- 4 та касб-хунар коллежи, 54 та умумий ўрта таълим мактаби, 15 та мактабгача таълим муассасаси фаолият юритади.

КОРХОНАЛАР СОНИ
ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ

Пискент туманида пластмасса қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона фойдаланишга топширилди, дея хабар бермоқда Ў.А.

□ Яхши
хабар

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда вилоят, туман ҳокимлиги масъуллари, хитойлик инвесторлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Пискент туманида ҳам қулай инвестиция муҳитини

яратиш, тўғридан-тўғри чет эл сармоясини жалб этиш, бу борада хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларга қулай бизнес шароити яратиш борада тизимли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Худуднинг инвес-

тиция жозибадорлигини ошириш борасидаги ишлар туманга йўналтирилаётган чет эл инвестицияси ҳажми ортишига хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда фаолияти йўлга қўйилган "YUSHEN TEKSTIL" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги корхонада қишлоқ ҳўжалигида томчилатиб суғориш учун пластмасса трубалар ишлаб чиқарилади. Лойиҳа қиймати 950 минг доллар бўлган мазкур корхона иш бошлаши билан 30 нафар аҳолининг доимий бандлиги таъминланди.

22 декабрь –

Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси ва маҳаллий
Кенгашларга сайловлар куниСИЁСИЙ МАЙДОН —
СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА

Тошкент вилоятида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 13 та, Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи 626 та сайлов округи ҳамда 950 та участка сайлов комиссияси тузилади.

Бу ҳақда вилоят адлия бошқармасида "2019 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга пухта тайёргарлик кўриш ва ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари" мавзусида ўтказилган семинарда маълум қилинди.

Семинарда адлия бошқармаси масъуллари, ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар томонидан сайловларни ташкил этиш бўйича миллий сайлов қонунчилигимизда белгиланган талаблар, янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг мазмун-моҳияти, жорий йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларни ташкил этишга кўмаклашишда маҳаллий ҳокимият органларининг вазифалари, шунингдек, сайлов жараёнини юқори савияда ташкил этиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида маъ-

лумот берилди.

Бу йил мамлакат парламенти ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар илк бор Ўзбекистон Республикасининг янги Сайлов кодекси асосида ўтади. Сайловларда биринчи марта 5 та сиёсий партия номзодларини илгари суриш ҳуқуқига эга. Сайловларда 20 миллиондан зиёд сайловчи, шу жумладан, 2 миллиондан ортиқ ёшлар илк бор иштирок этиши кутилмоқда.

Янги Сайлов кодексида асосан эндиликда сиёсий партиялар Қонунчилик палатасига бўлажак сайловларда 135 эмас, балки тўлиқ 150 сайлов округидан номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади. Ўзбекистон Экологик партиясига берилган квота чиқарилгани партияларaro рақобатни кучайтиришга хизмат қилади.

Семинар иштирокчиларининг мавзуга оид саволларига мутахассислар томонидан атрафлича жавоб берилди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Ў.А.

ОКТАБРЬ

1

НИМАЛАР
ЎЗГАРАДИ?Бу ҳақда 2-саҳи-
фада ўқийсиз.

ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Барчамизга маълумки, ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари – қонунга бўйсунуш, тенг ҳуқуқлилик, очиклик ва шаффофлик, ҳаммабонлик, мустақиллик, ҳолислик, ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши ва масъулиятдан иборат.

□ Семинар

Шу каби долзарб масалалар "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг Тошкент вилояти бўлими мажлислар залида бўлиб ўтган вилоят халқ депутатлари Кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши иштирокчилари диққат марказида бўлди.



Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят худудий бўлими ташаббуси билан ташкил этилган анжуманда комиссия аъзолари, вилоят Кенгаши депутатлари, нодавлат нотижорат таш-


килотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, вилоят ҳокимлиги, бошқарма ва ташкилотлар, марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Давоми 2-бетда ➡

ЯХШИЛИК ИЗЛАГАН ИНСОН

□ Эй, умри азиз...

Юртимизда ҳаётини одамларга яхшилик қилишга бағишлаган ва эл-юртга садоқат билан хизмат қилган инсонлар кўп. Ана шундай фидойи инсонлардан бири Мирзамурод Икромовдир.



Асли Ўртачирчиқ туманининг Навоий кишлоғилик М. Икромов Тошкент кишлоқ хўжалиги институтининг агрохимия факультетини таъминлаб, меҳнат фаолиятини 1967 йилда Олмалиқ шаҳрида оддий ишчиликдан бошлади. У қайси ишга қўл урмасин, чин кўнгилдан ёндошар, ҳалол меҳнати билан ҳамкасблари ва раҳбарлар

эътиборини қозонар эди.

Шунинг учун ҳам туман ташкилотларига масъул лавозимларга ишга таклиф этилди. 1973-1987 йилларда туман ёшлар иттифоқи кўмитасида йўриқчиликдан биринчи котиб, туман партия комитетида бўлим мудири, туман халқ назорати кўмитаси раиси, вилоят партия комитетида бўлим мудири

ўринбосари бўлиб ишлаш жараёнида етарли тажриба ортирди, 1988 йилда Бўка тумани ижроия комитети раиси, шунингдек, республика миқёсидаги масъул лавозимларда ишлади. 1989 йилдан эса ўзи туғилиб ўсган Ўртачирчиқ тумани раҳбари этиб тайинланди.

М. Икромов ҳоким бўлиб ишлаган йилларда туман

барча кўрсаткичлар бўйича республика ва вилоятда юқори ўринларда бўлди. Жумладан, республикада биринчилардан бўлиб, Туркия давлати билан эркаклар кўйлаги тикишга ихтисослашган кўшма корхона ишга туширилиб, маҳсулоти экспорт қилинган ва 300 киши иш билан таъминланган. Собиқ Ким Пен Ха номли ширкат хўжалигида янгидан иш бошлаган текстиль корхонасида 60, трикотаж цехида 20, атлас тўкиш цехида 10, пахта тозалаш заводида 30 киши иш билан таъминланган.

Шунингдек, мазкур хўжаликни ташкил қилиб, узоқ йиллар самарали бошқарган меҳнат қаҳрамони Ким Пен Ха шарафига музей қуришда ҳам фаол қатнашган. Музей ҳозирги кунда ҳам фаолият юритапти.

М. Икромов раҳбарлик қилган даврда Навоий кишлоқ фуқаролар йиғинида 6 гектар майдонда иссиқхона қурилди, эски мактаб мукамал таъмирланиб, болалар спорт мактабига айлантирилди. У ташкилотчилиги ва

ишбилармонлиги сабабли вилоят ҳокими даражасига кўтарилди. 1994-1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида фаолият юритди.

Қаҳрамонимиз оилада ҳам бахтини топган. Матлу-бахон опа билан 4 фарзанд ва набиралари тарбиясига алоҳида эътибор беришди.

М. Икромов нафақага чиққанидан кейин ҳам жамоат ишларидан четда турмади. Хатто, шу кунларда ҳам ёшлар ўртасида таълим-тарбия, одоб-ахлоқ, инсоний фазилатларни тарғиб этишда нурунийларга ўрнак бўлаётти.

Шу кунларда 70 ёшини қаршилаётган Мирзамурод Икромовга яқинда 1 даражали "Меҳнат фахрийси" унвони берилди.

Исмаилюла НЕЪМАТИЛЛАЕВ, "Нуруний" жамғармаси вилоят бўлими матбуот котиби, Омил ОМОНОВ, "Нуруний" жамғармаси Нурафшон шаҳар бўлими раиси

Тошкент давлат аграр университетида Халқаро ўсимликлар генетик ресурслари институти (Bioversity international) ҳамда Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти билан ҳамкорликда "Кишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда ва агробиохимия-хилликдан фойдаланишда инновацион ёндашув" мавзuida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ҚИБРАЙДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Конференцияда профессор-ўқитувчилар, иқтидорли талабалар, илмий ходимлар билан бир қаторда хорижлик олимлар ҳам маъруза билан иштирок этишди.

Конференциянинг иккинчи кунда иштирокчи-

лар Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг дала тажрибалари билан танишишди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



Йиғилишда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 мартдаги "Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори билан белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида институтининг вилоят ҳудудий бўлими-си томонидан бажарилган ишлар таҳлил қилинди.

Хусусан, институтининг ҳудудий бўлими томонидан ўтказилган сайёр қабулларда ўнлаб муаммолар аниқланиб, уларнинг ижобий ёқини таъминланмоқда. Масалан, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг Оҳангарон тумани бўлими кенгаши ўз фаолиятини юритиши учун жой (бино) йўқлиги ҳақида мурожаат қилган.

Мазкур мурожаат Оҳангарон тумани ҳокимлиги мутасаддиларини жалб қилган ҳолда хал қилинган. Бундан ташқари, "Ижтимоий шериклик" тамойиллари доирасида ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 200 дан ортиқ вакиллари иштирокида жойларда ўқув-семинарлар ташкил этилган.

Анжуманда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловларга Парламент комиссияси томонидан вилоятдаги 9 та нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари голиб бўлгани эълон қилиниб, уларга 268 млн. бўмлик давлат грантлари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Акромжон Қўчқоров иштирок этди.

Ўз мухбиримиз
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган суратлар

Халқ билан
□ мулоқот

Аввал хабар қилганимиздек, шу йилнинг 12 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятидаги қабулхонаси мудири Акмал Исбобов ҳамда вилоят прокурори, 2-сектор раҳбари Салом Самадов Ўртачирчиқ туманидаги "Аранчи" маҳалласида сайёр қабул ўтказган эди.

ВАЪДА ВАФОСИ БИЛАН

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай сайёр қабулда кўтарилган муаммолар, аранчиликлар ўртага ташлаган масалалар ечимини топа бошлаяпти.

Хусусан, сайёр қабулда аранчилик Назира ая Калдибекова маҳаллада биронта ҳам кутубхона йўқлиги, мактаб кутубхонаси фонди ҳам ғариб аҳволда эканлиги ҳақида куюниб гапириб, маҳаллада кутубхона ташкил этиш керак деган масалани кўтарганди.

Мазкур таклиф Акмал Исбобов томонидан шахсан назоратга олинди ва 23 сентябрь кунини маҳаллада кутубхона ташкил этилиб, юзга яқин ўзбек ва жаҳон адабиёти асарлари келтирилди. Бир сўз билан айтганда, шу кунини маҳаллага зие, маърифат кириб келди.

Бундан ташқари, маҳалла аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, симеёчларни алмаштириб, тунги ёриткичлар ўрнатиш юзасидан Қўлдош Салимов, маҳаллани туман маркази билан боғловчи транспорт қатнови юзасидан Зийеда Одилова, маҳаллада тиббиёт ҳамда мактабга таълим муассасаси ташкил этиш юзасидан Отақўзи Қодирбоев ва Умида Қўрбонова, ички кўчалар таъмири юзасидан О. Қодиров ҳамда А. Аристов, 33-, 56-, 64-ва 70-умумий ўрта таълим мактабларида спорт ва фаоллар зали ҳамда ошхона йўқлиги, маҳалла ҳудудида алоқа тизимини яхшилаш кераклиги бўйича Бахтиёр Салимов ҳамда Муҳаммад Комиловларнинг мурожаатлари ҳам назоратга олинди, тез орада ечимини топиш борасида мутасаддиларга топширилган берилди.

Шавкат УМИРОВ, Ўртачирчиқ тумани Халқ қабулхонаси мудири

ЁШЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи раиси Алишер Саъдуллаев Ангрен шаҳри ёшлари билан учрашди, деб хабар бермоқда вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати. Учрашувда турли соҳаларда фаолият юритаётган 400 дан ортиқ ёш йигит-қиз қатнашди. Шу жойининг ўзида ёшларни қийнаётган муаммоларни тизимли хал этиш бўйича Республика штаби ташкил этилди.

□ Учрашув

Худуд масъуллари иштирокида 19 нафар ёш йигит-қизнинг муаммо ва таклифлари атрофида ўрганиб чиқилди. Жумладан, ёшларнинг илм-фан, IT-технологиялар, китобхонлик, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари, таклиф ва ташаббусларини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлари бошлаб юборилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раиси худуддаги 18-сонли умумтаълим мактабида ҳам бўлди. Бу ерда

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, профилактик ҳисобда турган ёшлар ҳамда вояга етмаганлар билан дўстона мулоқот ўтказилди.

Бундан ташқари, бир гуруҳ фаоллар билан жисмоний ва ақлий-имконияти, чекланган ёшлар истиқомат қиладиган хонадонларга бориб, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришди.

Шу кунини республика ёшлар ташкилотининг раҳбари ёш тадбиркорлар учун семинар-тренинг ҳам ўтказди. "Ёш ижодкорлар" кенгаши аъзолари

РАСМИЙ СТАТИСТИКА:

Бугунги кунда шаҳарда 30 ёшгача бўлган ёшлар салмоғи — 106 минг 526, шундан 14 ёшдан 30 ёшгача — 57 минг 977, ишсизлар 1 минг 535 нафар, ёш оилалар — 14 минг 955 тани ташкил этади.



ри иштирокида ҳудуддаги иқтидорли ёшлар, китобхон ва шоирлар билан учрашув ташкил этилди.

Ўрганишлар натижасида, аниқланган муаммолари ҳолатларни бартараф этиш, таклиф

ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш мақсадида истиқболдаги сайё-ҳаракатларнинг "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

Мазкур тадбирларда вилоят ҳокимининг ўринбосари О. Тоҳиев иштирок этди.

□ Хабарингиз борми?

Мамлакатимиз тараққиётнинг юқори босқичи сари одимламоқда. Турли соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар, жамиятимизда юз бераётган қувончли ўзгаришлар ҳаётимизни фаровон қилишга хизмат қилмоқда. Шу боис, анъанага мувофиқ жорий йилнинг 1 октябидан кучга кирган ҳуқуқий янгиликларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этамиз.

Қандай ишончнома
мажбурий нотариал
тасдиқланмайди?



Бу ҳақда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонда қайд этилган. Унга кўра, 2019 йилнинг 1 октябидан транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси эгасининг яқин қариндошлари (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) ўртасида транспорт воситасидан фойдаланиш ва бошқариш тўғрисидаги ишончнома мажбурий нотариал тасдиқлаш тартиби бекор қилинади.

Меҳнат мигрантларига
янгилик бор!

Президентимизнинг "Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш қарорлари янада қучайтириш чоралари тўғрисида"ги Фармони

кўра, шу йил 1 октябрдан меҳнат мигрантларига бир банк кунини давомида паспорт, ариза ва меҳнат органининг илтимосномаси асосида 2019-2020 йилларда 10 фоиз ва 2021 йилда 12 фоиз ставкада 2 млн. сўм миқдорда бир йил муддатга микроқарзлар бериладиган бўлди.

1 ОКТАБРЬ:

Суғурта компанияларига эса йилига бир маротаба хориждаги вақтинчалик меҳнат мигрантлари ҳаёти ва соғлигини суғурталаш бўйича суғурта муқофоти суммасини қоплаш учун ҳар бир меҳнат мигранти учун 50 минг сўм миқдорда бир марталик субсидиялар тақдим этиш амалиёти жорий этилади.



Солиқ ва божхона

борасида янги имтиёзлар Президентимизнинг "Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига кўра, жорий йил 1 октябрдан бошлаб бензин, дизель ёқилғиси ва газни ёқилган

қуийш станциялари орқали охириги истеъмолчиларига сотаётган юридик шахслар, ушбу товарларни сотишдан тушумнинг миқдоридан қатъи назар қўйилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўловчилари ҳисобланади. Шунингдек, товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъи назар ҚҚС тўловчилари ҳисобланади. Бунда, товарларни биринчи марта импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб ҚҚС тўловчиси сифатида ҳисобга туриши шарт бўлади.

ЎЗГАРИШЛАР ЧОРАҲАСИ

Бундан ташқари, ҚҚС, шу жумладан, импорт қилинганда ҳам, имтиёзлар бекор қилинадиган товарлар ҳам белгилаб қўйилди. Шунга кўра, асбест, кўмир, ёғоч ва ундан тайёрланган буюмлар, углеводород хом ашёси, соя данаги, кунгабоқар ва кунжут уруғлари, мойли хом ашё ва шаклар хом ашёси, кишлоқ хўжалиги техникаси, автотранспорт воситалари, автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, материаллар ва технологик асбоб-ускуналар ҳамда юридик шахсларнинг тижорат банкларига жойлаштирган маблағларидан фоиз қурилишида олинган тўлов манбаини фойда солиғидан озод қилиш бўйича имтиёзлар бекор қилинади.

Шунингдек, 1 октябрдан бошлаб ўзи ишлаб чиқарган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ва мамлакатимизда

мизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан белгиланган ҚҚС бўйича имтиёзлар бекор қилинади.

Ер участкаларига алоқадор янги қарор

Давлатимиз раҳбарининг "Кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш



турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига кўра, 1 октябрдан қуйидаги тартиб ўрнатилди:

"YERELEKTRON" автоматлаштирилган ахборот тизимига ер участкалари бўйича маълумотларни киритиш "Давергеокадастр" органлари томонидан мустақил амалга оширилади. Ер участкасини танлаш материалларини келишиш ва (ёки) у бўйича хулосалар бериш ваколати ташкилотлар томонидан фақат электрон шаклда амалга оширилади. Ер участкасини танлаш материаллари юзасидан белгиланган ташкилотларнинг хулосасини олиш талаби бекор қилинади. Ер участкаларининг бошланғич нархи тасдиқланган минимал қиймати асосида

"Давергеокадастр" органлари томонидан ижобий хулоса берилгандан сўнг 5 кун ичида аниқланади. Ер участкаси "E-IJRO AUKSION" савдо майдончасида электрон онлайн-аукционга участканинг бошланғич нархи аниқлангандан сўнг қўшимча қарор қабул қилинмасдан жойлаштирилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, ҳокимларнинг аукцион голиби номига ер участкасини ажратиш бўйича қарор қабул қилиши тўғрисидаги талаб бекор қилинади. Қурилиш объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини мажбурий экспертиза қилиш талаб этилмайди.

Аукцион голиби бўлган шахсининг айби бўлмаганда маъмурий тартиб-таомилларга риоя қилинмаганлиги учун электрон онлайн-аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани бекор қилиш ёки ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Ноширлик фаолиятидаги имтиёз

"Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Пре-



зидент қарорига кўра, эндиликда болалар адабиётлари ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган маҳсулотлар чоп этишга ихтисослашган нашриётлар ноширлик фаолиятини юритишда лицензия олганлик учун давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Ҳуқуқий манбалар
асосида тайёрланди.

□ Бугуннинг гапи

МАСЛАҲАТЛИ ТҲЙ ТАРҚАМАС



Ҳаммамизга маълумки, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг тўй ва маъракаларни рисоладагидек ўтказиш бўйича қарори 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб қучга киради. Биз ёши улуглар четда томошабин бўлиб турмай, тўй-ҳашам ва маъракаларни тежамкорлик билан ҳақиқий миллий удумларимиз асосида ўтказишни тавсия этиб,

ўзимизнинг бой ҳаётий тажрибаларимиз ва ўғитларимиз билан маҳалламиз мутасаддиларига яқиндан ёрдам берайлик.

Муҳтарам ҳожилик рутбасига сазовор бўлган отахон ва онахонлар, ҳаммамиз буюк Яратганнинг байтига бориб келдик, ҳаром ва ҳалолни, исрофгарчилиги манманлик, кибру-ҳавога берилишу хоксорликнинг фойда ва зиёини яхши англаб етдимиз. Шундоқ экан, нима учун биз қайсидир маҳалладошимизнинг ортиқча ҳою-ҳавасга берилиб, ҳаддидан ошаётганини кўра-била туриб, ҳақ гапни айтишдан тортинамиз?!

Бугунги кунда ҳар бир маҳаллада ўнлаб Ҳаж ва Умра амалларини адо этган муҳтарам ҳожи ота ва оналаримиз истикомат қилмоқда. Улар доимо, энг аввало, ўз фарзандлари ва яқин қариндошлари ҳамда маҳалла аҳлига ибрат бўлиб, ортиқча дабдаба ҳамда ҳаваслардан тўхтатишга ҳаракат қилишса, панду-насиҳатлари билан йўлга солишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳозирги кунда Тошкент туманида 68 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, жуда кўплаб фидойи маҳалла оқсоқоллари ўз атрофларига бой ҳаёт тажрибасига эга инсонларни жамлаб, маҳалла ҳаётига тааллуқли ҳар қандай муаммони ҳал этишда кўмакдош бўлаётгани таҳсинга лойиқдир. Натижада, ушбу маҳаллаларда тўй ва турли маросимлар ортиқча исрофгарчиликсиз ўтказилиб, аҳоли ўртасида меҳр-оқибат, ёшларда одоб-ахлоқ туйғулари ривожланиб, хонадонларга кут-барака инмоқда.

Аммо, минг афсус ва надоматлар бўлсинки, тўйга аталган маблағларни қандай сарфлашга раҳбарлик қилиш "маслаҳаттўй аёллар" кўлига ўтди. Улар кўнгли нимани тусаса, шуни турли удумлар билан боғлаб, ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўйиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

Ҳурматли эркакларимизнинг аксарияти тўй ва бошқа тадбирларнинг барча масъулиятини аёлларга топшириб, томошабинликка ўтиб

олишган. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу бугунги ҳаёт ҳақиқати. Кечирасизлар, бу билан оналарнинг ҳаммаси ҳам ортиқча орзу-ҳаваслар, молу дунё илнжиди, дейишдан йироқмиз. Шу ўринда биз, эркаклар, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган ёши улуглар ана шу истакларни чиройли тарзда, меъёрида, риё ва кибрга берилмасдан амалга оширишда тўғри йўлни кўрсатишга жавобгармиз.

Бу бизнинг жамият олдидаги масъулиятимиздир. Ҳа, бугун ҳар бир инсон ўз ҳаётини ўз ақли билан қуришга ҳақли. Лекин, ҳар бир инсон бир бутун жамиятда яшаётганини, ҳар бир ҳатти-ҳаракати кимларгадир яхши ёки ёмон намуна бўлиши, онгига, дунёқарашига, кайфиятига таъсир қилишини унутмаслиги керак.

Мирислом УСМОНОВ,
Халқ депутатлари
Тошкент тумани
Кенгаши депутати,
ХДП фахрийси

□ Дарвоқе

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ўз тарихида бирор марта жаҳон чемпионатида чиққан эмас. Кейинги муңдлагача етти-та ўйин қолди. Аксарият футбол муҳлислари футболчиларимиздан жаҳон чемпионати стадионига бориб, "музқаймоқ еб келишни ҳам" умид қилмай қўйишган.

КУТМОҚ ВА УМИД ҚИЛМОҚ КЕРАК...

Аммо, ўтган йиллардаги ўсмирлар ўртасида ўтказилган футбол бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни эгаллагани катта янглик бўлди. Мамлакатимиз Президенти ушбу қувонарли ҳолга коррупциянинг аралашмагани сабаб бўлди, деб айтди. Дарҳақиқат, агар ўйинчилар ёшигидан тўғри саралаб олинса, бир неча йил ўтиб, катта терма жамоага ҳам профессионаллар етиштириб берилади.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 16 сентябрь куни давлатимиз раҳбари Осиё футбол конфедерацияси Президенти Шайх Салмон бин Иброҳим Ал Халифани қабул қилди. Учрашувда Осиё футбол конфедерацияси билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. ОФК Президенти давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда оммавий спортни тартиб этиш босқисига амалга оширилаётган сиёсатни, жумладан, футбол ривожига қўлаб-қувватланаётганини юксак баҳолади.

Юртимиз футбол ихлосмандлари энди мана шу эътибор ва шароитнинг натижасини кўтишади. Биз ҳам ўз терма жамоамизни глобалик шохсулларда кўришни хоҳлаймиз. Буюк француз адаби ёзганидек, "Кутмоқ ва умид қилмоқ керак..."

Ш. УМАРЖОНОВ,
таалаба

□ Кўзгудаги ўзимиз


Кундалик ҳаётимизга ўргимчак тўридек ёйилиб кираётган интернет (www – world wide web – бутун дунё ўргимчак тўри) турмушимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Жумладан, "Фейсбук" ижтимоий тармоғи кўпчилик учун виртуал масканга айланди. Миллионлаб одамлар ундан фойдаланади, ҳамма ёру дўстлар, таниш-билишлар билан алоқа "Фейсбук" ёрдамида амалга оширишмоқда. Ундаги имконият ва қулайликлар кўпчилигимизга таниш: ўз ижод намуналаримизни эълон қилиш, иш топиш, таниш-билиш орттириш дегандек...

"Фейсбук" – катта майдон. Унда эълон қилинган сўзлар, лавҳалар ва суратларни минглаб одамлар кўради. Бир сўз билан айтганда, бугунги жамиятнинг кўзгуси дея оламиз. Бинобарин, "Фейсбук" сўзи асли инглиз тилидан олин-

пишириб қўювдик!" деб изоҳ қолдиришган. Кўриб турганингиздек, одам ўз ҳурмати йўқотади. Ёки бошқа бир мисол, 25 ёшли бир йигит ўз йўлларига атиргунинг гул барглари пояндоз қилинганини кўрсатиб расмга тушган ва "Фейсбук"да эълон қилиб, остига ёзув қолдирган: "Эрталаб ишга келиб, хонамга кирсам шу аҳвол..." Балки, сизга изоҳ керакдир, аммо бунга ҳоҳат сезмаялман. Фақат, гулбарглар қизлар учун йигитлар томонидан пояндоз қилинишидан хабарим бор. Кўлига тамаки қистириб расмга тушадиганлар ҳақида эса нима дейишни ҳам билмайсиз...

Шундоқ машҳур одамлар борки, еган овқатига кўз-кўз қилишади. Ҳали чилласи чиқмаган қаҳардоннинг сурати "Фейсбук"да айланганнинг гувоҳи бўласиз. Халқимизда азалдан

КЕЛИНИ КЕЛГАНДА КЎРМА, "ФЕЙСБУК"КА КИРГАНДА КЎР...



ган бўлиб, "face" – "юз" ва "book" – "китоб, дафтар", яъни "киёфалар китоби" деган маънони англатади. Аммо, мана шу катта майдонда – жамият кўз ўнгиде ўз киёфамизни қандай намоён этаётганимиз ҳақида ҳам бир оз ўйлаб кўришимиз керак. Биргина сурат қўйиш масаласини олайлик. Асосий қисмда турадиган суратнинг моҳияти сизни жамиятга қайсидир киёфада таништиришдир. Баъзилар ўзининг компьютер дастурида қаритилган, соқол қўйилган, яна аллақандай масхарабозлик қалпоқлари ёки юзларига ҳайвон аъзолари ёпиштирилган суратларни эълон қилишади. Бу, ўз навбатида, фойдаланувчилар олдида ҳурматимизни йўқотишга олиб келади. Чунки, жамиятнинг кўз ўнгиде униси-ларча бачканалик қилиш – уни беҳурмат қилиш билан тенг.

Эълон қилинадиган матн ва лавҳалар ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин. Кимдир ҳаётдан нолиб, кимдир мактаниб, кимлардир эса қоронғига тош отгандай айримларга теккизиб турли ёзувлар қўйишади. Баъзи битикларни кўриб, одамлар шу даражада бачканалик кетаяптимикан, деб қоламиз.

Яқинда бир лавҳага кўзим тушди. Ёши катта одам: "Мен келдим!" деган ёзув қолдирган. Бу нимаси энди?! "Фейсбук"ка кирганини ҳаммага эълон қилаяпти. Саволга яраша жавоб дегандек: "Хуш келибсиз,

"чилла саклаш" удумлари, кўз тегишидан асраш каби анимистик тафаккур шакллари мавжуд. Эҳтимол, сизга бидъат туйилиши мумкин, аммо халқ таъбаоти тиббиёт томонидан инкор этилаётгани йўқ. Шунинг учун ҳам чилласи чиқмаган боланинг суратини қўйиш тўғри эмас.

Тенгдошларимиз орасида бир ҳолатни нияоятда кўп учратиш мумкин: ёш ва мавқе орасидаги "масофа"ни ҳисобга олмай, бошқа фойдаланувчининг эълон қилган матнларига ўзбошимчалик билан беъмаъни изоҳлар ёзиб қўйишади, ёши элликдан ошган одамга исмини айтиб мурожаат қилиш ҳоллари тез-тез кўзга ташланиб туради.

Тирноқ ичидан кир қидираман, деган одам ўз бармоғини майиб қилиши мумкин. Яъни, камчиликларни санайверадиган бўлсак, на ҳал қилиб бўлади, на охирига етиб. Ёнг муҳими, одам ўзини ҳурмат қила олиши кераклигини тушуниши. Ижтимоий тармоқда эълон қилаётган нарсаларимиз бошқалар учун қай даражада аҳамиятли экани ҳақида озгина мулоҳаза юритсак, масаланинг асл моҳияти намоён бўлади. Ўзимизнинг турли-туман суратларимиз, хаёлимизга келган маза-матрасиз фикрларимиз, аслида, бошқаларни беҳурмат қилаётган ёки ўз аксимизга доғ тушираётган бўлишини ўйлаб кўрайлик.

Шоҳрўз УМАРЖОНОВ,
таалаба

"Тошкент ҳақиқати"нинг навбатдаги сони
1 октябрь, сешанба куни чиқади.

ЧОРВАЧИЛИКДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ўтган асрнинг 80-йилларида республикаимизда мавжуд гўштдор-сержун қўйлардан аҳолининг талабини қондиришга етарли гўшт маҳсулоти олинар эди. Аммо, тургунлик даврида соҳага бўлган эътиборсизлик, бошбошдоқлик сабабли уларнинг сони кескин камайиб, маҳсулдорлиги ҳам пасайган.

□ Тажириба



Сўнгги йилларда чорвачиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар қўйлар генофондини яхшилаш учун дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илгори тажрибаларни амалиётга татбиқ этишни тақозо этмоқда. Бу фикрлар Оҳангарон туманида ўтказилган "Тоғ ва тоғолди яйлов чорвачилик илми ва амалиё-

тининг долзарб вазифалари" мавзусидаги илмий-амалий семинарда тилга олинди. Таъкидлаш жоизки, Чорвачилик ва паррандчилик илмий-тадқиқот институтининг Оҳангарон бўлими нуфузли Бутунроссия қўйчилик ва эчкилик илмий-тадқиқот институти билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ҳамкорлик доирасида оҳангаронлик чорвадорлар

мазкур институтдан жаҳон генофондида хос Шимолий Кавказ насли қўчқорларининг музлатилган уруғларини олиб келишди.

Ўзбекистонда илк бор қўйлар Шимолий Кавказ насли қўчқорларининг музлатилган уруғлари ёрдамида сунъий уруғлантирилмоқда, – дейди Чорвачилик ва паррандчилик илмий-тадқиқот институтининг Оҳангарон бўлими бошлиғи, қишлоқ ҳўжалиғи фанлари доктори Нуриддин Рўзиев. – Мазкур тажириба Оҳангарон туманидаги "Холтўраев Ойбек ХМ" фермер ҳўжалиғида амалга оширилмоқда. Келаси йилдан россиялик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда ўзимизнинг шароитда насли қўчқорлар уруғини олиш, музлатиш ва сақлашни йўлга қўямиз.

Мутахассисларнинг фикрича, чорва, ҳўсусан, қўйлар насли қўчқорлар уруғи билан сунъий уруғлантириш қўйларнинг генофондини яхшилаб, маҳсулдорлигини оширади. Жумладан, қўйларнинг вазни ўртача 50-55 килограммдан 65-80 килограммга, қўчқорларнинг вазни эса 80-90 дан 120-130 килограммга етиши мум-

кин. Шунингдек, жун олиш бўйича ҳам самарадорлик сезиларли ортади.

Тадбир иштирокчилари тажириба ўтказилаётган фермер ҳўжалигининг қўйчилик фаолияти, у ерда қўйларни сунъий уруғлантириш жараёни билан танишишди. Айни пайтда мазкур ҳўжаликда 120 бош иллки, 300 бош гўштдор-сержун, 1 минг 200 бош жайдари қўй, 200 бош эчки, 200 бошдан ортиқ қорамол ва парранда боқилмоқда.

Бундан ташқари, семинар қатнашчилари "Қизил Боур" фермер ҳўжалиғида бўлиб, насли қўчқорларни етиштириш, шунингдек, БМТ тараққиёт дастурининг Глобал экологик жамғармаси билан ҳамкорликда ҳудудда ташкил этилган "Мўминобод чорва" ишлаб чиқариш кооперативининг фаолияти билан ҳам танишишди.

Семинар якунида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб олишди.

Зайниддин ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Республика фермер,
деҳқон ҳўжалиқлари ва
томоққа ер эгалари
кенгаши
бош мутахассиси

олтин занжирлар илашиб чиқди. Унинг назарида шу сумкача бутун жаҳоннинг зебу-зари, дуру-жавоҳири жамланган хазина бўлиб туюлди. Дадабой уёқ-бўёққа сураётган қозғ пуллар ичидан ялтироқ бир қозғача чиқди. Сумкача оғзини ёпиб, дарров уни ўқишга тутинди. Бу, сумкача эгасининг исми-шарифи, манзили ва телефон рақами, ишчи қилинган таширф варақаси эди. Лекин, Дадабой ундаги хориж ёзувларини ўқиёлмади. Шошиб костюмининг соат чўнтағига соларкан, "Анови ашқол-дашқол тақинчоқларнинг ёрлиғи бўлса керак-да", деб қўйди.

Хонадон соҳиби ўшанда ҳали эсдан олмаган, ҳаёлида бир дунё гап чархпалакдек айланарди. "Бу бировнинг ҳаққи, унга зинҳор хиёнат қилмайман, ҳа, ҳечам хиёнат қилмайман."

□ Шанба муталааси

ОМОНАТ

ёҳуд дарахт қавағидаги хазина

омонатни қўлимдан олса..."

Дадабой шу далда билан узун йўлқанинг у бошидан бу бошига икки уч бор бориб келди. Бу орада катта кўчадан енгил машиналар ўта бошлади. Йўлқаларда пиёдалар кўзга ташланиб қолди. Йўловчилар ўз юмушлари томон шошар, ҳеч бировлари Дадабойга ҳам, унинг қўлидаги аёллар сумкачасига ҳам назар ташламайсиди. Бу матоҳ билан тўйхонага борсам бўлмас деб уйи томон юрди. Ховлига етгунча орқа-олдига қараб келди. "Биров йўқлаб, кўчадаёқ шу зормондани олса", деб ич-ичидан зорланди. Йўқ, у кутган иш бўлмади.

Дадабой дарвоза биқинидаги тахта ўриндиқда ўтирганча яна кўчага кўз тикди. Сўнг сумкачани очиб, ичидаги ўзига мутлақо дахли бўлмаган пулларни санаб кўрмоқчи бўлди. Бирдан кўнглида илнж пайдо бўлди: "Зора пул эгасининг бирорта ҳужжати, ё манзил ёзилган қозғ топилди қолса..."

Пулларни бир томонга суриб, таги-га бармоқларини олиб борди. Бармоқларига энг сара тилла узуклар, бўйинга тақадиган қатор рангто-ранг

Умрим бўйи пахтага, галлага сув тардим, ҳалол меҳнат қилдим, ўйлиқларимни ҳалол лўжма билан боқиб, вояга етказдим, ўқитдим, уйли-хойли қилдим. Қора қозонимиз қайнаб турибди. Ойпарни иккимиз ҳаётимиздан нолимаймиз. Бизга яна нима керак? Бу бировнинг омонати, уни кўчада ҳам қолдириб бўлмайди. Уйимга ҳам киритолмайман. Мана, хайрият топдим. Дарвозам рўпарасидаги қуёқ соя ташлаб турадиган қари тут дарахтининг қавағига ташлаб қўяман. Эгаси сўроқлаб келса шу ердан олиб бераман-қўяман-да..."

Дадабой ховлига қираётиб, оғир юкдан ҳалос бўлгандек, ўзини енгил ҳис этди. Ховлининг бир чеккасидаги суваб, шиббалаб қўйилган майдонча қўзи тушган, юраги гашланди. Ойпарни: "Дадаси, ўзимизга лойиқ қўлбола ҳаммом қуриб берсангиз бўларди", деб жаврагани жавраганди. Эри эса ҳаммомга пулни қаердан олай, деб тайсаллаётган эди. "Қавақдаги пул ўзимники бўлмасин, ўнта ҳаммом қуришга етар-ов..." У йўл-йўлақай уйга қираётиб шуни тусмоллади. Кейин

бўёғини эсполмайди. Хотини Ойпарни туғунларини тўлдириб йўл ҳозирлигини кўриб қўйганини ҳам, шаҳарга – укалариникига боришлари кераклигини айтганида ҳам англамади. Ўзи билан ўзи бўлиб қолди.

Бу нохушлиқдан хабар топан қизи, шифокор Ойсара қизчасини етаклаб учинчи куни шаҳарлаб шаҳардан етиб келди. Отасини бошдан оёқ синчиклаб кузатиб, жиддий ҳал йўқлигидан бир оз хотиржам бўлди. Хориж тилларига ихтисослашган мактабда таълим олаётган Нилуфар бобосининг қўлиларини сийлаётиб яқинда ёлган инглизча шеърини ўқиб берди.

Беморнинг юмук кўзлари бирдан очилиб кетди. Неварасини бағрига босаётиб, тили зўрга айланди:

– Кос, кос, костюмимни ол, чўнтағида қозғ бор, ўқи...

Қизи Ойсаранинг ўзиёқ костюм чўнтағидан қозғачани олди, уни бурро қилиб ўқиди ва отасига савол назари билан қараб, сўради:

– Дада бу аёл ким ўзи, жуда деловий кўринади. Ҳамкорлариям кўп шикилли.

Галга қулоқ солиб турган Ойпарни аёлни дарров таниди, эрига шубҳа билан қараб, қизганини яширмади: – Саҳармардонда сизни ошга кетган десам, тиллачи Адолат билан ошқатик бўлиб юрибсиз экан-да. Боринге, мен бўлсам қирқ йиллик ёстиққошимни қариганида жин қалди, деб йиғлаб-сикхтаб юрибман-а.

Бўёғи бир зумда ҳал бўлди. Шифокор Ойсара телефонига ўша магазинда ишлайдиган қизлик дугонаси билан боғланди. Сўнг унга таширф қозғини ўқиб берди. Кўп вақт ўтмай, Дадабойнинг ихчамгина тахта дарвозаси олдида Адолат магазинчи кўзлари қувнаб, ҳозир-нозир бўлди. Бу пайтда хонадон соҳиби анча ўзига келиб қолган, набираси Нилуфар кўмағида тахта ўриндиқда ўтирарди.

Нихоят омонат эгасига топширилди. Аёл суюнчиси деб, тахта ўриндиқнинг бир чеккасига қўйган бир тахлм тахи бузилмаган пул эътиборсиз қолган, хонадон аъзолари Адолат магазинчининг охорли уловига эмас, унинг кичик феъл, ширин лутфига маҳлиё бўлганча, ортидан кузатиб қолгандилар...

Собиржон ИНОМОВ

Бўка тумани: ҲАЁТБАХШ ТАШАББУСЛАР МАРКАЗИ



Салкам 124 минг аҳоли истиқомат қиладиган Бўка тумани мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига қараганда аграр тармоқда катта салоҳият ва бой ресурсга эга. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил октябрь ойида туманимизга ташрифи чоғида: "Бугунги замонавий деҳқон-фермерлар энди нафақат сарф-харажатларини қоплашга ҳаракат қилиши, балки юқори даромад манбаига ўтиши зарур", деган сўзлари туман миришкорларининг интилиши, орзу-умидларининг асосий мазмунига айланган.

биз учун фахрли бўлди. Давлатимиз раҳбарининг полиз маҳсулотларини куришти, қадоқлаш ва хорижга экспорт қилишда инвестиция киритиш ҳақидаги маслаҳат ва тавсиялари галдаги ишларимиз йўналишини белгилаб берди. Бунинг учун, энг аввало, кўп тармоқли уруғчилик кластерини ташкил қилиб, серхосил навлар орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турини кўпайтиришга алоҳида эътибор беришимиз керак. Ўз навбатида, чорвачилик кластерларини ташкил этиш орқали сут ва сут маҳсулотларининг ҳажмини, турини кўпайтириб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, паррандачилик, балиқчилик лойиҳаларини босқичма-босқич ривожлантиряймиз.

Шунинг баробарида, бўш турган бино ва иншоотлар, паст рентабелли ер майдонларидан унумли фойдаланиш, ҳудудларда ирригация ва мелиорация тадбирларини ташкил этишга эътибор қаратаймиз.

Деҳқончиликда тупроқ таркибини таҳлил қилишда аниқ механизми ўзида муҳассам этган "Инновацион мобиль лаборатория" асосида иш юритилмоқда. Чунки, бу ҳосилдорликни кўпайтириш билан бирга, фермерлар фаолиятини имкон қадар энгиллаштириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Эндilikда вилотимизда ягона бўлган бундай тажриба-лаборатория орқали деҳқон-фермерлар учун ишни режалаштириш имконияти яратилди. Ушбу лабораторияда ўрнатилган жиҳозлар Хитой, Россия, Ҳиндистон ва Германия давлатларидан келтирилган. Бу ерда электр токи муқобил тарзда – қуёш энергиясидан олинади. Ҳатто, ҳаво-

дан суткасига 30 литр сув олиш ускунаси ҳам мавжудлиги мазкур лабораториянинг ноёблигидан далолат беради.

Президентимиз белгилаб берган топшириқларга жавобан Бўка туманида икки йил ичида, яъни 2019-2020 йилларда жами 29 та иқтисодий лойиҳа бўйича 257,8 миллиард сўмлик иш амалга оширилади. Бунинг натижасида 2 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Бу жараён ҳозирда қизғин паллага кирган. Жорий йилда мазкур лойиҳаларнинг 13 таси ишга туширилади. Бунинг натижасида 540 та янги иш ўрни яратилади. Президентимиз ташрифидан сўнг ўтган икки ой давомида умумий қиймати 2,8 миллиард сўмлик 5 та лойиҳа ишга туширилди, 326 та янги иш ўринлари яратилди.

Оила даромади ва фаровонлигида ишбилармонларнинг алоҳида

ўрни бор. Президентимизнинг "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, қабул қилинган "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури туманнинг барча ҳудудларда изчил амалга оширилмоқда. Дастур доирасида 22 минг 800 хонадон хатловдан ўтказилиб, 3 минг 306 тасида кредитга талаб мавжудлиги аниқланган. 2019 йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган 479 та кам таъминланган оилалардан 228 тасига 2,26 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига туманда юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари сони жами 832 тани ташкил этди. Бундан ташқари, 1 минг 597 нафар яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолият қўрсатмоқда. Шунингдек, дастурга асосан, кўплаб бўкаликлар ўз хонадонидан турли йўналишлар бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги иш ўринларини яратишга ҳисса қўшишмоқда.

Умид ЙЎЛДОШЕВ,
туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари

ҚИСҚА САТРАЛДАР:

• Туманда 10 та тиббиёт муассасаси аҳолига малакали тиббий хизмат қўрсатмоқда.

• 705 гектар ердаги бог-роғлардан 7 минг 372 тонна баракали ҳосил олинди.

• Бу йил туманда 13 минг 300 гектар ерга чигит экилиб, 35 минг 600 тонна пахта ҳосили олинди белгиланган.

• Жорий йилда 14 минг 968 гектар ерга экилган галладан режадаги 37 минг 500 тонна ўрнига, 43 минг 800 тонна галла етиштирилди.

• Мавжуд 64 та чорвачилик фермер хўжаликларидан 6 минг 65 бош қўй-эчки, 705 та асалари оиласи, 523 минг 739 бош парранда парваришланмоқда.

• 13 минг гектар ерга такрорий экинлар экилди. (2 минг 918 гектар сабзавот, 702 гектар картошка, 8 минг 985 гектар дуккакли, 1 минг 758 гектар озуқа-боп экинлари). Етиштирилган дуккакли экинларнинг 70 фоизи экспорт қилинади.

• Йил якуни билан 26 минг 500 тонна полиз ва сабзавот етиштирилади. Улардан 4,5 миллион АҚШ долларлиқ қисми экспорт қилинади.

• Жорий йилда 2 минг 545 қути ипак қуртидан 140 тонна пилла хом ашёси тайёрланди.

ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ:

- Меҳнатга лаёқатлилар аҳолининг 55,5 фоизини ташкил қилади.
- Келгусида сайёҳлик хизматларини ривожлантириш учун қўлай иқлим ва дам олиш шароитларидан унумли фойдаланиш режалаштирилган.
- Туман ҳудудидан халқаро аҳамиятдаги йўл ўтган.
- Доривор ўсимликларни етиштириш бўйича минг гектар ерда қизилмия ўсимлигини етиштириш, қайта ишлаш ва замонавий типдаги гидропоника иссиқхоналарини ташкил этиш имкониятларидан унумли фойдаланилади.

«ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР» ДАСТУРИ ДОИРАСИДА:

- Чорвачилик йўналишида 816 та лойиҳага 23,85 миллиард сўм;
- Тикувчилик йўналишида 274 та лойиҳага 5,78 миллиард сўм;
- Иссиқхона йўналишида 84 та лойиҳага 1,97 миллиард сўм;
- Қўйчилик йўналишида 748 та лойиҳага 19,91 миллиард сўм;
- Қуёнчилик йўналишида 157 та лойиҳага 4,27 миллиард сўм;
- Паррандачилик йўналишида 107 та лойиҳага 2,73 миллиард сўм;
- Бошқа йўналишлар бўйича 162 та лойиҳага 4,31 миллиард сўм йўналтирилди.
- Шу вақтга қадар 2 минг 488 та янги иш ўринлари яратилди.
- 2 минг 352 та лойиҳа тасдиқланди ва амалга оширилмоқда.
- 62 миллиард 856 миллион сўм миқдордаги имтиёзли кредит маблағлари ўзлаштирилди.
- Ҳар бир лойиҳага ўртача 26,7 миллион сўмдан тўғри келди.

Бугунги кунда Бўка туманида олиб борилаётган барча сая-харажатлар фаровон турмуш асоси – ташаббускорлик ва тадбиркорликни рағбатлантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, одамларда мулкка эғалик ҳиссини ошириш, кичик ва ўрта корхоналарни изчил ривожлантириш, аҳоли фаровонлиги ва даромадларининг ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда муҳим аҳамият касб этади.



– Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислохотлар жараёнида тадбиркорлик, айниқса, оилавий бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди туман ҳокимлиги иқтисодиёт ва саноат бўлими бош мутахассиси Мазруфжон Мақсуджонов. – Мазкур тармоқлар янги иш ўринларини яратиш, оилаларнинг барқарор даромад манбаини шакллантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлаётган. Ўтган давр мобайнида 2 минг 352 та лойиҳага 62,85 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилди.

ҲАРАКАТ ҚИЛГАН БАРАКА ТОПАЯПТИ

Шунингдек, маҳаллаларда аҳоли билан учрашиб, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Жумладан, "Тош-

□ Интилиш

маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Равшан Ўринов тадбиркорлик фаолиятини бошлаганига кўп бўлгани йўқ. У жўжаларни боқишга мўлжалланган хўжалик ташкил этиб, товук гўшти етиштиришни йўлга қўйди. Унга банкдан 30 миллион сўм кредит берилди. Айни вақтда хўжа-



ликда "Бройлер" зотли жўжалар боқилмоқда. Бозорга пешма-пеш товук гўшти чиқарилмоқда.

"Parfum" масъулияти чекланган жамияти ҳам дастур асосида 70 миллион сўм кредит олган. Асосан тиш пастаси ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада 5 нафар оила аъзолари меҳнат қилмоқда. Албатта, яратилаётган имтиёзлар, маҳсулотнинг тури ва сифатини кўпайтириш имкони берилган тадбиркор мамнун.

– Оилавий тадбиркорлик-

нинг турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. **Рақамларга мурожаат қилсак:** бугунги кунда 3 минг 306 та лойиҳага 83,15 миллиард сўмлик маблағ вилот ҳокимлиги томонидан ўзлаштириш учун маъқулланди. Ҳозиргача 62,85 миллиард сўм тижорат банклари томонидан ажратилди.

Шу жумладан, хатлов жараёнида тумандаги 479 та кам таъминланган оилалардан 228 тасига 2,26 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Қамолхон УМРЗОҚОВА

ЧЕМПИОНЛАР КАМОЛГА ЕТМОҚДА

Президентимиз жорий йил 4 сентябрь кунини ўтказган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда аҳолининг мунтазам спорт билан шуғулланишга янада катта эътибор бериш зарурлигини қайд этди. Бу борада Бўкада ҳам эътиборга молик ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, кўплаб стадион, спорт заллари, майдонлар, манежлар, сузиш ҳавзаларидан иборат жами 185 та спорт объектлари фаолият юритмоқда.

□ Шижоат

Уларда 12 минг 622 нафар аҳоли ўзи ёқтирган спорт тури билан фаол шуғулланмоқда. Тумандаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 32 нафар мураббий ёшлар билан машғулотлар олиб боришмоқда. Тўғараклар 9 тадан 14 тага оширилди. Яқинда жисмоний тарбия ва спорт ва-

зирлиги томонидан спорт мактабига 8 турдаги 40 миллион сўмлик спорт жиҳозлари етказиб берилди. Ўтган олти ой ичида мактабда 112 та спорт мусобақаси ташкил этилди ва уларга 14 минг 700 нафар ёшлар қамраб олинди. Мактабга қарашли сузиш ҳавзасининг иссиқ-

лик тизими 190 миллион сўм маблағ эвазига таъмирланди.

Бугунги кунга келиб туманнинг энг чекка ҳудудларида ҳам спорт мактаблари қуриляпти. Қувонарли, албатта. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 3 та спорт майдончаси барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига топширилди. Йил якунига қадар қўшимча яна 4 та майдонча ташкил этилади.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туманнинг 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳолиси ўртасида 145 та оммавий спорт тадбири, спорт фестивали, миллий халқ

йўнлари ўтказилди. Мазкур тадбирларда 34 минг 182 нафар ҳаваскор спортчилар иштирок этишди.

Спортга бўлган эътибор туфайли туман спортчилари Ўзбекистон чемпионати ва кубокларида 41 та медални қўлга киритишди. Улар орасида уч нафар Ўзбекистон чемпиони ҳам бор. Қувонарлиси, 2020 йилда Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига 1 нафар спортчи йўлланмани қўлга киритди.

Беш ташаббус бўйича "Бўстон", "Чавлсой" ҳамда "Катта Равот" маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳудудидаги футбол майдонлари қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилганидан хабарингиз бор. Уларга Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан 300 миллион сўмлик спорт жиҳозлари келтирилди. "Бўстон" маҳалла марказида 450 томошабинга мўлжалланган "Бўстон арена" стадиони реконструкция қилинди. Стадионда барча зарур шароитлар яратилган. Ҳозирда туман бўйича 100 нафардан зиёд ёшлар футбол билан шуғулланмоқда.

Саҳифани "Тошкент ҳақиқати" муҳбирлари
Маъмуржон ҚИЁМОВ ва Мансур ҲИММАТОВ (суратлар) тайёрлади

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилоти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли қўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Электрон почта: toshkenthqiqati@umail.uz // th-tp@inbox.ru

Тошкент вилоти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета "Тошкент ҳақиқати"
тахририяти компьютер марказида
терийли ва Тоҳир Маҳмудхўжаев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаввиҳ
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Равшан БАЙЖАКОВ

Буюртма Г-943. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 3 385 нусхада чоп этилди

ISSN 2010-9318.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр қўрсатқичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.40. 1 2 3 4 5